

# ШАРТНОМА № 23/05-П (21.05.2022 йилдаги ЛОТ № 85223)

«23»май 2022 йил

Пайарик тумани

Бундан буён матнда “Бош Пудратчи” деб юритилувчи Пайарик ТЙФУК рўйхатдан ўтказилган корхона Низоми асосида иш юритувчи ташкилот номидан директори в.в.б. Намазов А., бир томондан ва иккинчи томондан “NEW TECH SAMAKAND” МЧЖ раҳбари Абдурахимов З.А., кейинчалик “Ёрдамчи Пудратчи” деб аталувчи, корхона Низоми асосида иш юритувчи ташкилот томонидан ўзаро маъқул бўлган шартлар асосида шартнома тузилди.

## 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

1.1. “Ёрдамчи Пудратчи” Самарканд вилояти Пайарик тумани 4р49 “Челак ш – Пайарик ш” 0-1 км автомобил йулини жорий таъмирлаш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасига асосан лойиха смета хужжатлари бўйича бажариш мажбуриятини олади, “Бош Пудратчи” эса “Ёрдамчи Пудратчи”га сметадаги ишларни бажариш учун зарур шарт- шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

2.1. Келишилган ишларнинг қиймати шартнома тузилган вақтда сметада кўрсатилган нархлар асосида тузилади. Шартнома бўйича ишлар қиймати ККС билан 1 568 500 000 (Бир миллиард беш юз олти миш саккиз миллион беш юз минг) сўм. - 785.000.0

2.2. Бажариладиган ишларнинг нархлари куйида кўрсатилган ҳолларда ўзгартирилади.  
“Бош Пудратчи” томонидан иш хажми ўзгартирилганда, кўшимча ишлар киритишга зарурият туғилганда.  
- Материалларни ва жихозларни номенклатуриаси ўзгарганда.

- “Бош Пудратчи” айби билан иш тўхтаб қолса ёки кўзда тутилмаган ҳол содир бўлса.

2.3. Шартноманинг баҳоси тарафларнинг ҳар иккала томонидан маъқулланиб, инфляция оқибатларига кўра кейинчалик ўзгартирилиши мумкин эмас.

2.4. Агар пудратчи ўз айби билан ишни бошламас ёки охирига етказмаса берилган аванс маблағларини жарима тўлови ёки қилишилган ҳолда қайтариб беришга мажбурдир.

## 3. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ.

3.1. Иш юритиш вақти (бошланиши ва охири) календарь иш режасида белгиланади ва икки томонлама тасдиқланиб буюртмачига тақдим қилинади.

3.2. Шартнома асосида бажариладиган ишлар шартномада келишилган нархдан 15% кам бўлмаган аванс суммани олгандан кейин, ҳамда ёрдамчи пудратчининг талабларига асосан объектнинг ҳамма керакли лойиха-смета хужжатлари билан таъмилангандан сунг 2 кундан кейин бошланади.

3.3. Иш тўхтаб қолганда куйидаги ҳолларда “Ёрдамчи Пудратчи” мол-мулк жовобгарлигини ўз зиммасига олмайди:

- Табиий офатлар ва бошқа кўзда тутилмаган ҳоллар.

## 4. БОШ ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Ҳар ойнинг 25 санасидан 25 санасигача бажарилган ишларнинг акти Ф-3, Ф-2 лари икки томонлама имзоланади. Кейинчалик “Бош Пудратчи” бажарилган иш хажмлари учун иш актига асосан олдинги тўланган бунақ тўловлар, етказиб берилган материаллар бажарилган ишлар суммасидан \_\_\_% “Бош пудратчи” харажатларини чиқариб ташланган ҳолда 5 кун муддат ичида “Ёрдамчи Пудратчи”га тўлаб берилади.

4.2. Мазкур шартномани бажариш учун “Бош Пудратчи”:  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва мазкур шартномада қайд этилган “Ёрдамчи Пудратчи” томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, “Ёрдамчи Пудратчи”дан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш, “Ёрдамчи Пудратчи”нинг барча мурожаатларини ўн беш кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

4.3. “Буюртмачи” томонидан аванс тарикасида молиялаштирилгунга қадар ички маблағларидан келиб чиққан ҳолда 15% аванс бериш, агарда ички маблағлари бўлмаган ҳолда “Буюртмачи” томонидан белгиланган тартибда молиялаштирилгандан кейин 2 банк иш куни ичида “Ёрдамчи пудратчи”га аванс бериш.

4.4. Ишларни бажариш давомида маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда ва бошқа ҳолатларда иш турларига ўзгаришлар киритилганда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 671-моддасини эътиборга олиниши, бунда ушбу иш турларининг қиймати шартнома қийматининг 10 фоизидан ошмаган ҳолда бажарилади ва бу ишлар юзасидан “Бош пудратчи” ва “Буюртмачи”га билдирилган ҳолда уларнинг розилиги асосида бажарилиши шарт.

## 5. ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Лойиха – смета хужжатларини олгандан сунг 3 кун муддат ичида ишлаб чиқариш ишлари графигини тузади ва тақдим этади. Қурилиш ишларини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилишини таъминлайди;

- 5.2. Иш бажариш учун субпудрат ташкилотларини ишга жалб этишлари мумкин;
- 5.3. “Бош Пудратчи”га бажарилган ишлари топширилгандан кейин ҚМҚда кўрсатилганидек тугалланган объектларни белгиланган муддатда у билан биргаликда келишилган ҳолда эксплуатацияга топширишга масъулдир;
- 5.4. Тайёр қурилиш объектларни лойиха - смета ҳужжатига, чизмалар ва смета ҚМҚга амал қилган ҳолда бажаради, ҳамда “Бош пудратчи” томонидан кўрсатилган дефектларни ўз вақтида бартараф этишга қафолат беради;
- 5.5. Объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва “Буюртмачи”га топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарининг техник паспортини тақдим этади;
- 5.6. Шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади;
- 5.7. Объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва саклашни амалга оширади;
- 5.8. Зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуради;
- 5.9. “Бош Пудратчи”ни, ёрдамчи пудратчилар билан Пудрат шартномалар тузилиши давомида, ушбу шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, “Ёрдамчи Пудратчи”нинг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилади;
- 5.10. Қурилиш майдонида техник ва техника хавфсизлиги, ишларини бажариш вақтида атроф муҳитни, мавжуд ва ўтказилган дарахтларни ер участкаларини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди ва ўз жавобгарлигини олади.
- 5.11. “Ёрдамчи Пудратчи” объектда ҳаракат хавфсизлигини тўлиқ таъминлайди ва қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган объектларда йўл белгилари ва ёритиш ускуналарини ўрнатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ва оқибати бўйича жавобгар бўлади.
- 5.12. Қурилиш майдонинг кўрикланишини таъминлайди;
- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 5.13. “Ёрдамчи Пудратчи” мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз қучлари билан зарур тарзда бажарилган ҳолда ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “Бош Пудратчи” олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.
- 5.14. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмларига тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштиради.
- 5.15. “Буюртмачи” вакили объектга график асосида назоратга келган вақтида “Ёрдамчи пудратчи” томонидан бириктирилган вакили иштирок этиши, у томонидан бажарилган хато ва камчиликлар кўрсатилганда бартараф этиш юзасидан далолатнома расмийлаштирилиб бартараф этиш чораларини тузиш, ҳамда бартараф этилганлиги юзасидан “Бош пудратчи”га ёзма равишда билдиради.
- 5.16. “Бош пудратчи” томонидан ушбу объект учун олинган маблағларни айнан шу объектга ишларишга мажбур бўлиб, маблағларни ишлатилиши юзасидан маълумот тақдим қилиб туради, бунда “Ёрдамчи пудратчи” олинган маблағ ичидаги ўз харажатлари юзасидан ҳисобот беришлари мажбурий эмас.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ МОЛ- МУЛК ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 6.1. Томонларда бир шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
- 6.2. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий –ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.
- 6.3. Қайта қуриш ишларини олиб бораётган “Ёрдамчи пудратчи” ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ “Буюртмачи” олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:
- 6.4. Сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;
- 6.5. Объектнинг ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;
- 6.6. “Бош Пудратчи” билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;
- 6.7. Объектнинг лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган иш турларида нархларнинг ошиб кетишлигига йўл қўймаслик;
- 6.8. Қайта қуриш жараёнида ёки оралик қабул қилишда “Ёрдамчи пудратчи” муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ҳамда бажарилган ишларда йўл қўйилган камчилик-нуксонларни бартараф этишни орқага суриш;
- 6.9. Шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўлақонли бажармагани.
- 6.10. “Ёрдамчи Пудратчи” ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекинмиш ҳамда бошқа камчиликлар мавжудлигида “Бош Пудратчи” агар қонунчилик ёки шартномадаги бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда “Ёрдамчи Пудратчи” ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:
- 6.11. Нуксонларни кўрсатилган муддатда оқилона ўз ҳисобидан бартараф этишни;
- 6.13. Агар “Ёрдамчи Пудратчи” ташкилот нуксонларни келишилган муддатларда бартараф этмаси, “Бош Пудратчи” ёки объектдан фойдаланувчи ташкилот ўз қучи билан “Ёрдамчи Пудратчи” ҳисобидан нуксонларни бартараф этиш ҳамда нуксонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.
- 6.14. Мазкур шартномада тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун “Бош Пудратчи” “Ёрдамчи Пудратчи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан 0,02 фоизи

микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси молиялаштирилмаган маблағ кийматининг 20 фоиздан ошмаслиги лозим.

6.15. Пеня тўланиши “Бош Пудратчи”ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод қилмайди. Бунда “Буюртмачи” томонидан молиялаштирилмаган ҳолда қуйидаги бандда кўрсатилган пеня қўлланилмайди.

6.16. “Ёрдамчи Пудратчи” томонидан объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, бунда молиялаштириш жадвали бузилмаганда “Ёрдамчи пудратчи” “Бош Пудратчига муددати ўтказилиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.2 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 20 фоиздан ошмаслиги лозим.

6.17. “Буюртмачи” ва “Бош Пудратчи” томонидан топилган нуксон ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун “Ёрдамчи Пудратчи” “Бош Пудратчига муددати ўтказилиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар ўйиматининг 50 фоиздан ошмаслиги керак бўлиб, ушбу сифатсиз ишларни “Буюртмачи” ва “Бош Пудратчи” талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзи бажариб беради;

6.18. Агар ушбу сифатсиз ишларни “Ёрдамчи Пудратчи” томонидан бажарилмаса “Бош Пудратчи” шз зиммасига олган ҳолда бажариб “Буюртмачи”га тегишли ҳужжатлар асосида тақдим қилади;

6.19. Пеня тўлаш “Ёрдамчи пудратчи”ни ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

6.20. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда “Бош Пудратчи” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек “Ёрдамчи Пудратчи”дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 5 фоизи микдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

6.21. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

6.22. “Бош Пудратчи” “Ёрдамчи Пудратчи”нинг бажарилган ишлар ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида “Бош Пудратчи”га қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса “Бош Пудратчи” ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

6.23. Муудлат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

6.24. Объектни суғурталаш смета ҳужжатларида кўрсатилган ва кийматлари киритилган бўлган ҳолларда “Ёрдамчи Пудратчи” томонидан суғурталанади.

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар тарафлар ўртасида музоқора йўли билан ҳал қилиб бўлмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судлар томонидан кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

## 8. ФОРС-МОЖОР.

8.1. Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эркин ва истагидан ташқари пайдо бўлган ер қимирлиши, ёнгин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

### “БОШ ПУДРАТЧИ”

Пайарик йуллардан фойдаланиш  
унитар корхонаси

Манзили: Пайарик тумани, И.Жунайдуллаев кучаси 2  
Банк номи: ТИФ Миллий банк Самарканд булими  
Х/Р: 20210000500378627001  
МФО: 00278, СТИР: 200760521  
ОКЭД: 42110  
Тел: +99893-330-03-53

### “ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИ”

“NEW TECH SAMARKAND” МЧЖ

Манзили Пастдаргом тумани Кимёгарлар курғони  
Банк номи АТ Алока банк Бош офиси  
Х/Р 20208000604854087001,  
МФО 00401 СТИР 301636876  
ОКЭД: 42110  
Тел 0366-240-30-31

Директор: \_\_\_\_\_ Намазов А.

Директор \_\_\_\_\_ Абдурахимов З.А.